

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**571** **Банкрот корхоналарнинг арзонбаҳо, тез ишдан чиқадиган мол-мулкани, хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш бўйича низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 842-1*

*(2012 йил 8 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 67-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 182-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан 1999 йил 12 октябрда 15-сон билан тасдиқланган Банкрот корхоналарнинг арзонбаҳо, тез ишдан чиқадиган мол-мулкани, хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш бўйича низомга (рўйхат рақами 842, 1999 йил 26 ноябрь) иловага\* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Раис в.б.**

**У. ТУРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 15 декабрь,  
11-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.